



Ислом диёрларидаги миллий истиклол ҳаракатлари тарихига назар солган ҳар бир киши, бу ҳаракатлар бошида диний уламолар турганини дархол сезади. Албатта, бу Ислом дини хусусиятларидан келиб чикувчи табиий бир ҳолатдир.

Ислом ҳақиқатларини тўғри тушуниб етган фидокор уламолар доимо ўз халқи билан бирга бўлади, унинг дард-аламларини бирга тартади. Зотан, ҳақиқий уламолар фаолиятининг ўзи шуни такозо қилади. Ислом таълимотлари билан қуролланган уламолар ўз халқи дардига малҳам бўлишга ҳаракат қиладилар. Ўз навбатида, оддий халқ ҳам бу эътиборга муҳаббати, ҳурмат ва эзози билан жавоб беради. Уламолар нима деса, шуни қилишга тайёр туради. Вокеликка мурожаат қиладиган бўлсак, Мисрдаги миллий озодлик ҳаракатининг бошида ал-Азхар дорулфунуни уламолари бўлганлар. Ливия халқининг италён босқинчиларига қарши миллий озодлик қураши раҳбарлигини сунусий тариқаси шайхларидан бири, “муҳоҳидлар шайхи” лақабини олган Умар Муҳтор ўз зиммасига олган. “Миллион шаҳид юрти” номини олган Жазоирнинг Франция мустамлакачиларига қарши қуролли қурашини Амир Абдул Кодир деган диний олим бошқарган. Бошқа юртларда ҳам шундай ҳолатни қузатиш мумкин.

Ислом оламининг ажралмас қисми бўлган Туркистонда ҳам бундан ўзга бўлиши мумкин эмас эди. Ҳар бир халқ ўзидан ўтмаса, бошқага мустамлака бўлмайди. Ўтган асрда Туркистон ҳам турли сабабларга кўра, Россия мустамлакасига айланди. Заифлик шу даражага етган эди-ки, босқинчиларга тузук-қурук қаршилиқ ҳам кўрсатилмади. Истилонинг биринчи даврида қулликни ҳис қилиш, унинг ҳақиқатини тушуниб етиш ҳолати ҳам деярли қузатилмади. Лекин қимдир тушуниб етиши, қимдир бошлаши зарур эди. Рус истилосининг ўттизинчи йилида худди шундай инсон Андижондан чиқди, у инсон Дукчи Эшон номи билан машҳур бўлган “Минг тепа”лик Муҳаммад Амин эшон эдилар. Туркистондек Ислом юртининг ихлосли мусулмон халқи ичидан рус истилосига қарши биринчи бўлиб диний олим, Дукчи Эшон бошчилигида қаршилиқ кўрсатилиши ажабланарли ҳол эмас эди.

Афсуски, ҳозиргача Дукчи Эшон, у кишининг сафдошлари ва миллий озодлик ҳаракатлари тарихи етарли даражада ўрганилгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, Мусо Туркистонийга ўхшаш тарихчиларимиз баъзи маълумотларни қолдирганлар. Дукчи Эшоннинг асл исмлари Муҳаммад Амин бўлиб, Андижоннинг Минг-тепа қишлоғида

(хозирги “Мархамат” шахри)истикомат килганлар. У киши ёшликларида замонасининг машхур шайхи бўлмиш Иброхим эшонга шогирд тушадилар. У кишининг хонакохларида маълум муддат тарбия олиб, халифалик макомига етдилар. Сўнгра, устозлари Иброхим эшон хазратларидан иршод олиб, ўз юртлари Минг-тепага қайтадилар ва халк тарбияси билан машгул бўладилар. Тарихчиларнинг такидлашларича, ўша даврларда ҳам Дукчи Эшон рус истилосига карши кураш хакида фикр юритар, ўзларига якин фидойи кишилар билан бу ҳақда маслаҳатлашиб турар эдилар. Аста-секин Эшон хазратларининг халк орасида обрўлари ортиб борди. Машхур бўлдилар. Шогирдлар, муридлар ва фидойилар кўпайиб борди. Бир куни Эшон маслакдошлардан тўрт кишини тўплаб, махфий суҳбат очдилар. Уларга: “Мақсад йўлида анча ишлар килинди, энди нима килишимиз керак?” деган савол ташладилар. Беш кишилик бу мажлис, Эшон хажга бориб, моддий ва манавий хозирлик кўриб, тажриба ва таълимотлар олиб келишлари зарур, деган қарор килди. Бу қарорга биноан бешовлари хажга бордилар, йўлда Миср ва Туркияга кирдилар, турли қурол-аслаҳа олиб, Минг-тепага қайтдилар. Халк Эшонни катта тантана ва иштиёк билан кутиб олди. Дукчи Эшон ўз мартабаларидан фойдаланиб, мустамлакачиларга карши курашга яширин тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Кўзланган тайёргарликлар нихоясига етгандан сўнг, курашни бошлашга қарор килинди. 1896 м. сананинг кунларидан бирида Дукчи Эшон хонакохларида намоз, зикр ва бошқа ибодатлардан сўнг халифалардан бири ўрнидан туриб: “Биродарлар, ҳеч ким ташқарига чиқмасин, хазрати Эшоннинг сизларга айтадиган сўзлари бор”, деди. Ҳамма жой-жойида жим қолиб, бутун вужуди ила хазрати Эшонга қулоқ тутди. Сўнгра Дукчи Эшон хазратлари ўзларининг тарихий хитобларини бошладилар:

“Мухтарам биродарлар! Эй, мусулмонлар!! Ҳаммангизга маълумдирки, юртимиз мусулмон юрти. Эл мусулмон, халк мусулмон, хон мусулмон, шариат ҳукми жорий, амри нофиз эрди. Хикмати Аллоҳ таоло Ўзи билодир, кофирларни мусаллат килди. Юртимизга ўрис келди. Худоёрхоннинг ўрнига Кауфман, Умархоннинг тахтига Черняев ўлтирди. Фаргона хонлиги еринда Москов хонлиги, Ок пошшо ҳукмдор бўлди. Ўруслар юртимизни истило этди, сўнгра тилимизни истило килди. Секин-секин динимизга истило килмокка бошлади. Биласизларки, чўкиндиклар кўпайди, кўпаймокда. Ок пошшонинг номидан янги фармон келди, Николайнинг, яъни, бир ўруснинг номини, жума намози хутбасида хутбага кўшиб ўқисин, деб. Яна кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужикларни ерлаштирди. Хар тарафни тўнгиззор килди. Кубони-Федченко, Маргилонни-Гарчаков, Симни-Скобелев, Багдодни-Серова, Конибодомни-Мелников деб ҳамма шаҳарларимизга ўрус генералларининг исмини такди. Хар шаҳарда, хар кишлокда бутхоналар кўнгирогининг жаранг-жиринги кўпайди. Бонка деган бир рибохона қурилди. Динимизда йўқ, судхўрлик, харомхўрлик ривож бўлди. Ҳамманинг халқуми булганди. Хар шаҳарда, янги шаҳар деган бир фискхона килди. Фискнинг ҳамма нави хозирланди. Мусулмонларни йўлдан оздирди. Аксар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарга, киморхоналарга муштарий бўлди. Фохишахоналарга ўрганди. Мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Ўруснинг келганига ўттиз йил тўлмади, мусулмонлар ришватга, рибога одатланди. Халол-харомнинг фарқи бормайдиган бўлди. Қозиларимиз бўйнига бут такадиган бўлди. Хулоса: шариятимиз хор бўлди.

Мусулмончилик гариб бўлди. Хурриятимиз гайб бўлди. Истиклолимиз махв бўлди. Ўзимиз ўтмас, сўзимиз кечмас бўлди. Эй, вох! Эй, мусулмонлар, бунга сабаб ўзимиз бўлдик. Бу холимизга Аллох ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва бу муҳкимиятга кимса рози эмас, инс ҳам, жин ҳам рози эмас. Эй, биродарлар, тек тураверсак, бу кофир яна бадтар киладир! Вой, бизнинг холимизга! Тарихда жаҳонгир ўтган, муаззам бир салтанат курган қахрамон-пахлавонларнинг авлодимиз. Бу заллат (хор)ликка ҳеч қандай руҳ чидамайди. Қани биздаги шижоат?! Қани аждодимиздаги басолат?! Сизларга нима бўлди?!

Эй, биродарлар, бизлар шундок аждоднинг набираларидирмиз. Ўлик уйкусида ухлаймизми?!

Эй мусулмонлар! Эй Худонинг бандалари! Эй, Пайгамбар уммати! Чин мўмин бўлсангизлар, сизларга жиход лозимдир, жиход. Жиход, Аллох учун жиход киламиз. Ўлсак шаҳид, ўлдирсак гозий бўламиз. Жиход қилмагунча, елкамизга минган бу рўдапо ўрусдан қутулиш йўқ. Эй, мўминлар! Қўзингизни очинг! Гафлатдан бедор бўлинг! Кофирлардан ҳуқуқимизни олайлик!

Эй, биродарлар! Хурриятимизни олайлик! Ўз ватанимиз, ўз юртимизда ўзимиз ҳукумат қурайлик! Бунинг учун биздан гайрат истайдур, жиход истайдур. Фийсабийлиллох жиход вақти келди.

Хайё ала л жиход. Хайё ала л фалаах. Барақаллох, шундай ҳиммат лозим.

“Аллох йўлида қатл бўлганларни ўлик деманглар. Улар тирикдурлар ва лекин сизлар сезмайсизлар”. (Бақара сураси -154).

Эй биродарлар, ажал бирдир. Қирк йил қирон келса ажали етган ўладир. Худо ризоси учун жиходга рози бўлинглар. Хайё ала л газот. Хайё ала л фалаах. Хайё ала л жиход. Аллоху акбар! Аллоху акбар! Аллоху акбар! Аллоху акбар!”.

Ҳазрати Эшоннинг хитобларига қулоқ осиб, ҳар замон йиғи қилиб, “жиходга тайёرمىз, жонимиз фидо бўлсин, Ҳазрати Эшон амрингизга ҳозирмиз! Жиход, жиход”, деб турган халқ охириги “Аллоху акбар”га қўшилиб нара тортди. Қўқни “Аллоху акбар” нараси тутиб кетди.

Сўнгра Эшон ҳазратлари, “Ҳаммангиз тайёр туринглар, бугун кечаси ҳуфтондан кейин ҳужум”, дедилар. Чор-атрофга чопарлар юборилиб, халқ жиходга қорланди.

1896 мелодий сана ёз ойида Дукчи Эшон бошлиқ озодлик фидойилари Ҳакан қишлоғи орқали кечаси Андижоннинг ўруслар истикомат қиладиган янги шаҳар қисмига ҳужум бошладилар. Кечаси мужоҳидлар қўплаб ўрусларни, жумладан, аскархонадаги ўрус аскарларни ўлдирдилар.

Тонг отганда барча аскархоналарни Дукчи Эшоннинг оқ дўппилик мужоҳидлари ўраб турар эди. Руслар аста-секин ўзларига қелиб, аскархона қувватларини тўплаб туриб, Эшон қувватларининг ён тарафидан ҳужум бошлади. Қаттиқ олишувлардан сўнг, Эшон қучлари енгилиб, тарқала бошлади. Ўруслар оқ дўппиликни қўрса, ўлдиравердилар. Ўруслар Дукчи Эшонни тутиш учун қидирув эълон қилдилар. У қишини тутиб берганга муқофот, яширганга жазо вада қилдилар. Дукчи Эшон Андижондан чиқиб, Қўқонқишлоқ орқали Арслонбобга ўтди. Аммо, Тош қўприққа борганида, мингбошининг йиғитлари уни ҳамроҳлари билан тутиб олдилар ва қўл-оёқларини боғлаб, Қўқон қишлоққа қелтирдилар.

У ерда ўрус аскарлар хазрати Эшонни бир аравага, колган ўн икки мужохиднинг хар иккисини биттадан аравага боглаб, Андижон томон юрдилар.

Ўруслар Туркистон озодлиги учун ўзларига карши биринчи куролли исён кўтарган мужохидлар шайхи Дукчи Эшонни калъа ёнига курилган дорга осиб ўлдирдилар. Жасад олиб кўмилса ҳам, одамларни кўркитиш учун дорни бузмай колдирдилар.

Эшонни тутиб берган хоин мингбошини такдирлаб, Думага аъзо килдилар ва Кўконкишлокдан олиб келиб, Андижонда вазифадор килдилар.

Дукчи Эшон кўзголови хакида Московга хабар берилганда, “Андижон катли ом килинсин, яъни барча ахолиси отувга хукм килинсин”, деган фармон келди. Баъзи кишилар ўртага тушиб, ахоли беайб эканлигини баён килганидан сўнг, Московга бу ҳақда иккинчи хабар юборилди. Шундан сўнг, “Отув хукми бекор килинсин. Эшон хужум килиб келган хар бир кишлок ва махалланинг одамлари кўчирилиб, молу мулклари тортиб олинсин, уйлари вайрон килинсин. Минг-тепага рус мужиклари кўчириб келтирилсин, у ердаги уй-жойлар уларга мулк килиб берилсин. Уларга марҳамат килинсин. Кишлокнинг номи ҳам “Марҳамат” деб ўзгартирилсин”, деган фармон келди.

Яхшилик ишни килган хар бир инсон хар канча олқишга лойик. Аммо яхшиликни биринчи бўлиб бошлаб берган киши алоҳида эътиборга ва улуг тахсинларга сазовордир. Ислом дини таълимоти бўйича, бир яхшиликни бошлаган инсон худди шу яхшиликни ундан кейин килганларнинг савобига ҳам шерик бўлиб туради. Хазрати Мухаммад Амин Дукчи Эшон ҳам Туркистон мустакиллиги учун миллий курашни бошлаб берган биринчи мужохиддир. У киши ва сафдошлари ўзлари орзу килган олий мақомни, шаҳидлик мақомини топиб кетдилар.

Шаҳидларнинг орқада колганларга ҳеч қандай ҳожатлари йўқ. Балки, кейинги авлодлар шаҳидларга ҳожатманддирлар. Уларнинг мардлиги, шижоати, дин ва ватан учун хар нарсага тайёр туришлари ҳаммага ўрнак бўлиши зарур. Ҳозиргача мустамлакачидан кўрккан, шижоатсиз авлодлар ўзларининг мустакиллиги учун жон фидо килган хазрати Дукчи Эшон ва у кишининг сафдошлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганмадилар. Балки, уларни тадбирсизлик, тушунмаслик каби камчиликлар билан айбладилар.

Энди уларнинг ҳаёт ва фаолиятларини тўла ўрганиш лозим. “Марҳамат”нинг исмини ўз асл исми “Минг-тепа” билан номлаш керак.

Дукчи Эшон масжид ва хонакохлари ўрнига масжид ва хонакох қуриб, у кишининг услублари ва ровияларида халкни тарбиялаш лозим. Шундагина шаҳидларнинг ҳурматларини ўрнига қўйган бўламиз.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, роҳимахуллох
"Тарих омонатдир" китобидан